

ТОШКЕНТ ХАККИДАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2017 йил
23 август
ЧОРШАНБА

№ 69 (13017)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

26 ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

муस्ताқилликка эришганидан кейин тараққиётга юз тутди. Ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олиш, халқимиз фаровонлигини ошириш, ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, иқтисодийни ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

ҲУР ВАТАНГА ПАЙВАНД КЎНГИЛЛАР

Албатта, бу мақсадларга эришиш, тараққиётни таъминлаш учун эса кўпгина қадриятларга қатъий амал қилиш зарур.

Бу борада, бағрикенглик, инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро товуллик, динлараро ҳамжиҳатликни, жамиятда фуқаролар тотувлигини муостаҳкамлаш, барча фуқароларга, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинлик бериш, ёш авлоднинг миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги Ўзбекистон

ҳудудда кўп асрлар мобайнида, ўзбеклар билан бирга, бошқа миллат ва элат вакиллари яшаб келган. Байналмилаллик бизнинг қонимизда бор. Мамлакатимиздаги айрим этник қавмларнинг кўпи бу юртга қачон келгани ва бу ерда қайси асрдан бери яшаётганини ҳам аниқ билмайди. Уларнинг Ватани – Ўзбекистон.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Уларнинг бари – Ўзбекистон Республикаси фуқароси, шу юрт фарзанди, ватандошимиз.

Муस्ताқилликнинг илк дақиқасидан эътиборан, Ўзбекистон Республикаси сиёсатида миллатлараро

Ҳеч бир халқ ўз олдига эзгу мақсадлар қўймасдан туриб ривожлана олмайди. Ўзбекистонимиз ҳам

тенглик ва тотувлик ғояси муостаҳкам белгилаб қўйилди. Кўп ўтмай, бу умуминсоний тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддаларида қатъий қилиб қайд этилди.

"Муқаддима"сидаёқ, Бош Қонунимиз "республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб", "фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида" қабул қилинаётганини айтилган.

8-моддада: "Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади", – дейилади.

Давоми 2-бетда. ➡

ЭРЙИГИТНИНГ БАХТИ

Энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз муқтадирлигининг 26 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик авж олган айни паллада халқимиз бу мунаввар кунлар, осийишта ва фаровон ҳаёт, энг аввало, истиқлол шарофати эканини билиб, шукроналик туйғуси билан яшамоқда.

□ Сурур

Олмаликлик Эрийгит Сулаймоновнинг байрам арасида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев билан учрашгани унинг хотирасида умрбод ўчмас из қолдириши шубҳасиз.

Олмаликда янги очилган "Ешлик" конага тамал тоши қўйиш маросимига Эрийгитнинг Президентга айтган дил сўзлари ҳамма чукур ҳаяжонга солди.

– Ҳозирги таҳликали замонда шундай тинч, обод юрда яшаётганимдан бахтиёрман, – деди у.

– Муқтадирлик Эрийгитнинг ҳар бир қарич ери мен учун табаррук. Шу юрт, шу эл учун хизмат қилаётганимдан фахрланаман. Яқинда менга катта ишонч билдириб, Ангрен қувур заводига раҳбарликка тайинлашди. Бугун вужудим билан ишлаяпман. Аммо, кўнглимнинг кемтик жойи бор. Мен Сизнинг фуқаролиги йўқ шахсларга паспорт бериш ҳақидаги ҳар бир Фармонингизни интиқлик билан кутаман, чукур ҳаяжон билан ўқийман. Чунки, ўзим муқтадир

Ўзбекистон фуқароси, деган шарафли номга эришгани, паспорт олишни орзу қилиб яшапман.

Албатта, Эрийгитнинг қалбидан қайнаб чиққан бу сўзларни Президентимиз ҳам беэътибор қолдирмади. Шавкат Мирзиёевнинг: "Сиз бугундан эътиборан, Ўзбекистон фуқаросисиз!" деган хитоби Эрийгит Сулаймоновнинг қалбига жо бўлди, чекрасини қувонч ёшари ювди.

Мана олмаликлик Эрийгитнинг орзуси ушалиб, Президент Фармонида биноан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди.

Эрийгит Сулаймоновга фуқаролик паспортини топшириш маросими унинг иш жойи – Ангрен қувур заводига виллоят ҳокими Шукрулло Бобоев иштирокида ўтказилди.

Ўз муҳбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн биринчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси эртага – 2017 йил 24 август кун

эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун – 2017 йил 23 август кун соат 9.00 дан 18.00

га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесига рўйхатга олинади.

□ Изҳор

Мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёевнинг шахримизга таширф буюриб, камина ишлайётган Ўзбекистон металлургия комбинатида қилишлари барчамизга катта қувонч бағишлади. Бу таширф асносида жамоадошларимиз билан келгусидаги мақсад ва режаларимизни янада аниқлаштириб олдик. Ҳозир комбинатимизда тамоман ўзгача кайфият ҳукмрон. Ҳар биримизда ишга бўлган иштиёқ ўзгача.

Ўзбекистон металлургия комбинати ва Бекобод цемент заводи ишчилари учун ҳар йили 1 минг 200 хонадондан иборат кўп қаватли уйлар қурилишини эштиб, баъзи ҳамкасбларимизнинг қувонганларини кўрсангиз эди. Сабаби, рўзгоридан орттириб, уй олишга маблағ жамғара олмаётганлар бор-да.

Айниқса, Президентимизнинг "Олмалик билан Бекобод шаҳарларини

бирдек ривожлантиришимиз, бу ерда яшаётган аҳолини рози қилишимиз керак. Бу борада икки шаҳар ўртасида ривожланиш мусобақаси эълон қилинди. Бу икки металлургия комбинати ўртасида эмас, шаҳарлар ўртасидаги соғлом рақобат бўлади. Бозордаги нарх-наводан тортиб, аҳоли турмуши учун яратилаётган барча шароитлар инобатга олинади. Янги корхона ишга ту-

шадими, янги иш ўрни яратилгани, барчасини эътиборига олиб борамиз. Бу каби соғлом рақобат икки шаҳарнинг маҳал ривожланишида муҳим роль ўйнайди", деган фикрлари бизни, айниқса, тўқинлантириб юборди.

Шу ўринда, корхонамизнинг бугунги фаолияти ҳақида ҳам гапириб ўтсам. Биласиз, корхонамиз қора металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш лойиҳаси шулардан бири. Мазкур лойиҳа тўлиқ қувват билан ишга тушган, 138,2 минг тонна қора металл маҳсулотлари тайёрлаш имкониятини беради, қарийб 3 минг янги иш ўрни яратилади.

Амалга оширилаётган лойиҳалардан бирига биноан пўлат эритиш ва қуйиш мажмуасини қуриш ва иссиқ ҳолатда пўлат листлари ишлаб чиқариш ташкил этила-

□ Истиқлол иншоотлари

Вужудда навқиронлик, куч-ғайрат, нигоҳидан ғурур ва шижоат акс этиб турган йигитлар – давримизнинг бунёдкор ёшларидир. Улар меҳнати билан тайёрланаётган маҳсулотларга юртимизда талаб катта. Шунингдек, халқаро йирик бирлашма ва компаниялар харидор эканлиги жамоанинг, ўз меҳнатидан фахрланиш, ифтихор туйғусини ошириши табиий. Давримиз ёшлари Алексей Аюков, Тожир Вахобов, Иброҳим Алимов ҳамда Абдували Муталиев Оҳангароннинг "Енарик" маҳалласидаги "AKSUS NOVOTECH" корхонасида меҳнат қилишади.

ЎЗИМИЗДА ЯГОНА, ХОРИЖДА НОЁБ

Муассасада касбий билим ва салоҳиятга эга, техникавий муаммоларга ечим топа оладиган малакали мутахассислар сафи маҳаллий ёшлар билан кенгайиб бораёпти. Замонавий ва юқори технология линияга эга бу корхона Марказий Осиёда тенгсиз, ягонадир.

Фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдони ўрнида бунёд этилган корхонага 2007 йилда Буюк Британия инвесторлари кўмағида асос солинган

эди. Иқтисодийнинг муҳим бўлини – нефть-газ қазиб олиш тармоғи учун зарур маҳсулот ишлаб чиқарадиган "AKSUS NOVOTECH" том маънода истиқлол иншоотларидан биридир. 2009 йилда дастлабки қарбонатли қоришма цехи иш бошлаган бўлиб, ҳозирда йилига 80 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ҳар қандай ташқи таъсир ва юқори ҳароратта чидамли муостаҳкам қоришма нефть-газ қазиб

олиш соҳасида бурилиш ясади, десак адашмаган бўламиз. Шу пайтгача бундай қоришма фақат чет давлатлардан валюта хисобига келтирилган эди. "AKSUS NOVOTECH" маҳсулотининг таннари 3-4 баробар арзон, сифати эса жаҳон стандартига жавоб бера олади, хорижидан сира қолишмайди. Республикаимизнинг барча ҳудудларидаги нефть-газ қазиб олиш тармоғида ундан кенг фойдаланилмоқда.

Давоми 3-бетда. ➡



Мансур ҲИММАТОВ олган сурат.

САЙХУН СОҲИЛИДАГИ МАРВАРИД

лоийҳалар амалга оширилаяпти. Умумий қиймати қарийб 635 миллион долларлик олтига лойиҳа устида иш олиб борилаяпти.

Қора металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш лойиҳаси шулардан бири. Мазкур лойиҳа тўлиқ қувват билан ишга тушган, 138,2 минг тонна қора металл маҳсулотлари тайёрлаш имкониятини беради, қарийб 3 минг янги иш ўрни яратилади.

Амалга оширилаётган лойиҳалардан бирига биноан пўлат эритиш ва қуйиш мажмуасини қуриш ва иссиқ ҳолатда пўлат листлари ишлаб чиқариш ташкил этила-

ди. Мазкур лойиҳани икки босқичда бажариш мўлжалланган.

Юртбошимиз биз, ишчи-ходимлар билан дилдан суҳбатлашди. Меҳнат қилишимиз ва дам олишимиз учун яратилган шароитлар билан қизиқдилар.

Шаҳримиз аҳолисини қийнаб келаятган муаммолар ҳақида қувонч билан гапирдилар. Уйларда иссиқлик тизими ишлармаслиги, тоза ичимлик суви таъминоти, унинг сифати талабга жавоб бермаслиги, бу муаммо ва камчиликларнинг ечим бўйича ўз тақлифларини ўртага ташладилар.

"Барча ишларимиз

халқни рози қилиш, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган". Президентимизнинг бу фикрлари нақадар самимий ва чин юракдан айтилгани ташрифдан кейин шаҳри азиятимизда бошланиб кетган кенг қамровли ишлар, ҳамшаҳарларимизнинг шижоати ва бунёдкорлик кайфиятида ҳам яққол акс этиб турибди. Биз, ҳаммамиз шаҳримизни Сайхун соҳидаги марваридга айлантирамиз.

Мана, кўрасиз!

Олимжон ТҲҲИЕВ, электрда пўлат эритиш цехининг катта устаси, Ўзбекистон Қаҳрамони.



«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»НИНГ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат муқтадирлигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг "Медиа-холл"ида "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, адабиёт, маданият ва санъат намояндлари, маънавият тарғибчилари, журналистлар йиғилган тадбирда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Л. Тангриев ва бошқалар буюк ва бебаҳо неъмат – муқтадирлигининг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдирини, келажиги учун беқиёс аҳамияти ортиб бораётгани, халқимизнинг манфаатлари, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обу-

эътиборини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият вазирлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, "Ўзбекино" Миллий агентлиги, Бағдий академия, "Тасвирий ойна" уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, Электрон ОАВ миллий ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танлови ҳам бунинг мисолидир. Йигирма йиллик тарихга эга кўрик-танлов бу йил "Фидойинг бўлгачи сени, Ўзбекистон!" деган

эзгу ғоя асосида ташкил этилди.

Танловга адабиёт, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, тасвирий санъат, фотография, дизайн, кино йўналишлари бўйича қарийб 500 ижодкордан 5 мингга яқин иш келиб тушган. Тақдим этилган асарларда истиқлол ғоялари, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурининг маъно-мазмунини кенг акс эттириш, қўлга киритилган ютуқларимизнинг асосий омилли ва мезонини сифатида биринчи навбатда халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларимиз, авваламбор, ёшларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик позицияси тобора қучайиб бораётганини ҳаётий далил ва мисоллар орқали талкин этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Тантанали маросимда турли йўналишлар бўйича 25 ғолиб ва совриндорга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Малоҳат ҲУСАНОВА, ЎЗА муҳбири.

ЭЙ, УМРИ АЗИЗ...

Устоз ижодкор Фарида Усмоновани қалам аҳлига, хусусан, журналистларга таништиришнинг ҳолати йўқ бўлса керак. Бир аср юзини кўриш арафасида ўзининг янги китобини ёзиб тугатган фахрий журналистни ижодкорлар яхши танийди. Аслида табаррук ёшларга етиб юриш, умри давомида фақат яхши сўз, эзгу амал билан яшаш, ёзган асарлари билан ўзгалар қалбига ҳам эзгулик уруғини қадаб, уни гуркираган дарахтга айланишига сабабчи бўлишнинг ўзи — улкан бахт!

Ҳамкасбимиз ёзган китоблар

Муаллифнинг янги китоби "Яхшилик умри", дея номланибди. Бир қарашда бу атома журналист-ёзувчининг ҳаёти, яшаш тарзи, ҳаётдаги шioriга нисбат бериб тургандек туюлади. Ва бу фикрлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Жаббор Раззоқовнинг мулоҳазалари билан танишиш асосида янада теранлашадди: "Истеъдод ва ижод — инсонга Оллоҳ томонидан инъом этиладиган хислат, — дейилади китоб сўзбошисиди. — Уни ўзида камол топтириб, эъзозлаб ва ҳар томонлама бойитиб, яхшиликни дилдан кўймаган инсонгина етуқликка эришади, умрига умр қўшилади..."

Сўзбошидаги яна икки сатр, айниқса, юрагимизни тўлқинлантириб, хуш кайфият бағишлагани рост: "Бу устоз ижодкор билан

га келгунча озмунча меҳнат сарфланмайди. Бунга бир эмас, бир неча кишининг заҳматли меҳнатлари тўғрисида эришилади.

Аммо, бу ижод маҳсули китобхонни ўйлатса, ундаги қаҳрамоннинг дарди билан яшаш, қувонса қулиб, йиғласа қуёнишга мажбур этса, "ҳақиқатан ҳам, ҳаётда шундайлар борку", деган фикрни уйғотолса, ёзувчининг муроди ҳосил бўлгани шу, аслида...

Жойи келганда, адабнинг "Дил фарёди" романи муҳлислар эътиборига тушиб, мустақиллигининг 10 йиллигига атаб ўтказилган танловда энг яхши насрий асар, дея эътироф этилганини таъкидлаш жоиз.

Бу ҳақда журналист Раҳима Шомансурова шундай дейди: "Ана сизга "мулоим кампир!", ана сизга қариллик гаштини суриш!... Ахир, Фарида опа ўзларининг саксонинчи киш чиласида бу асарни поёнига етказган эдилар-да! Нашрга тайёрлаш, топшириш билан саксонинчи баҳор ўтди... Ниҳоят табриқлар, олқишлар билан саксонинчи куз келди!" Бу воқеа кекса ижодкорга улкан маънавий рағбат берди.

Орадан яна ўн йил ўтиб, журналист-ёзувчининг 90 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг фикрларини ўқидик: "Тошкент ҳақиқати" гарчи вилоят газетаси бўлса-да, обрў-эътибор жиҳатидан марказий нашрлардан қолишмас эди. Бу газетада бир неча сатри чиққан ёш мухбирнинг қувончини тасаввур қилиш қийин. Бу таҳририятда узоқ вақт хизмат қилган Фарида опа Усмонованинг неча ўнлаб ёшларга қувонч улашганларини ҳисоблаш ҳам қийин..."

Бугун, яна олти йил ўтиб, "Яхшилик умри" китоби дунё юзини кўрди. Бу воқеа, улуг адабимиз таъкидлаганидек, одамлар қалбига қувонч бағишлаш, яхшилик улашишдек эзгу ниятнинг рўёбини яна бир бор исботлаб турибди. Китобга киритилган "Баҳор маликаси", "Инсон яхшилик учун тугилади", "Дарёдай тошқин меҳр", "Қалб куйчиси" каби қатор мақолалари, таржималарини ўқир экансиз, дарҳақиқат, яхшиликнинг умри боқий эканлигига амин бўласиз. Фикрларимизни ўзини севган касбига бағишлаб, яхшилик тўғрисида умрини узайтириб яшаётган муҳтарама онахонимиз, устоз ижодкор Фарида Усмонованинг сўзлари билан яқунламоқчимиз: "Қўпчилик газетани "қўндалик нарса, саҳифадаги ёритилган нарсалар тез эсдан чиқиб кетади, деб ўйлашади. Публицистика ҳаётнинг олдида юриши керак. Ҳар бир мақола одами ё ўйлантирсин, ё етакласин, ё жонлантирсин..."

Дарҳақиқат... Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Фамхўрлик

Келажагимиз эгалари — навқирон авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётган спорт мажмуалари ва иншоотлари сони тобора ортиб бормоқда. Яратилган шароитлар самараси ўлароқ, бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт ўғил-қизлар тарбиясининг муҳим мезони-га айланди.



Бўстонликка борсангиз агар...

"Тўқсонбулоқ" ҳикмати

Бўстонлик — ўз номи билан юртимизнинг бўстон гўшаси. У жаннатомонанд боғ-роғлар, ҳад-ҳудудсиз қир ва адирлар, ям-яшил ўрмонзорлар макони. Тумани уч тарафдан Уғом, Пском, Кўксув ва Чотқол тоғлари қўшаб туради.

Пурвиқор музқоғлардан бошланувчи жилга ва сойлар бирлашиб, бутун Тошкент воҳасига оёққаёқ улашади. Она табиатнинг бундай бетимсол иншооти тўғрисида худуд иқлими йилнинг тўрт фаслида ҳам ўзига хос ва бетакордор.

Бу ерда ҳар қадамда турли тилсимотларга гувоҳ бўласиз. Кўҳна замин бағридан сизиб чиқувчи маржон булоқларини ҳам, ҳеч иккиланмай, ана шу мўъжизаларга менгзаш мум-

МАҲАЛЛА БОЛАЛАРИНИНГ ҚУВОНЧИ

Чиноз туманидаги "Абдушукр — агросервис" хусусий корхонаси раҳбари Абдушукр Акрамов ҳам баркамол авлодни соғлом тарбиялашга амалий ҳисса қўшиш мақсадида "Нафис" маҳалласида спорт мажмуасини очди.

Замонавий жиҳозлар билан таъминланган тренажёр ва спорт зали, сунъий қопламали футбол майдони бу-

гунги кунда болалар билан гавжум. Бу ерда юз нафардан зиёд ўғил-қиз оғир атлетика, бадий ва спорт гимнастикаси, футбол, волейбол, стол тенниси билан шуғулланмоқда.

Мажмуа ҳудудидagi 45 сотих ер майдони ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, мажмуа атрофига тартиб билан



экилган игна баргли дарахтлар чиройли декоратив кўриниш берибгина қолмай, ҳавони тозалаш ва инсон саломатлигига ижобий таъсир қилиш хусусиятига эга.

Соғломлаштириш машғулотлари янада кўпроқ болаларни жалб этишни истаймиз, — дейди Абдушукр Акрамов. — Ана шу мақсадда турли спорт тадбирлари, мусобақаларни ташкил этишга бел боғланамиз. Жисмоний тарбия ва спорт фарзандла-

римизнинг иқтидор ва салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ўз меҳнати билан топилган даромаднинг бир қисмини маҳалла болалари саломатлиги йўлида сарфлаётган бағри-кенг тадбиркор ушбу спорт мажмуаси негизига яна бир неча тўғарак ва секциялар очишни режалаштирмоқда.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНГАН БЕЛЛАШУВ

Янгийўлда энг улуг энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб, шахмат бўйича очик турнир бошланди.

Шахмат

Ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, шахматни оммавийлаштириш, спортчиларнинг маҳорати ва тажрибасини ошириш орқали уларни нуфузли мусобақаларга тайёрлаш мақсадида ташкил этилган очик турнирда республикамизнинг қатор ху-

дудларидан келган шахматчилар қатнашиши учун донна сурмоқда.

24 августга қадар давом этадиган очик мусобақа тўққиз турдан иборат бўлади. Голлиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Ўз мухбиримиз.



Конфетларни хуш кўрмайдиган одам бўлмаса керак. Турли-туман безаклар билан жилланган нафис қоғозларга яширинган конфетлар айниқса, болақонларнинг жону дили. Ўзбеклар "қанд" дейдиган митти ширинликларнинг ҳам

қандолатчиликда кенг фойдаланилади. Германияда тадқиқотчилар романтикага мойил кўнгил эгалари қўлундайли, ижод аҳли кокосли, камтарин ва камсуқум одамлар ёнғоқли, прагматик фельд-атвордагилар олчали конфетларни хуш кўришини аниқлашди;

финляндияликлар тайёрлаган конфетларни кўпчилик истемол қила олмайдди. Чунки улар шўр, нордон ва баъзан нефть хиди таратади; баварияликлар пиво таъми, французлар пиш-

Болаликда қанд ширин...

ўзига яраша катта тарихи ва қизиқарли фактлари бор.

Конфетлар мияни озиқлантиради ва кайфиятни кўтарди. Шунинг учун ҳам қадимда қанди ширинлик эмас, дори воситаси сифатида истемол қилинган.

Конфетларга доир қизиқарли факт ва маълумотлар қуйидагича:

қадимги Мисрда конфетлар асалга pista қўшиб тайёрланган. Римда эса асалга ёнғоқ, қунжут ва дон маҳсулотларини аралаштириш орқали қанд-курслар турини кўпайтиришган; замонавий кўринишдаги қандларнинг илк намуналари XVI асрда пайдо бўлган. Ушундан мевалар бўлакчилиги, шакларга ботирилган ва кўпинча хасалларга дори сифатида берилган; ҳозир ҳам мевалардан



лоқ мазаси келадиган конфетларни хуш кўради; болаларимиз яхши кўрадиган "Чупа-чупс" коинотга олиб чиқилган биринчи конфет сифатида тарихга киритилган; энг қиммат конфетлар Швейцарияда тайёрланади. Айтишларича, уларга еса бўладиган тилла иплар қўшилган экан. Ана шундай "тилла конфетлар"нинг бир қўтиси 100 АҚШ долларига баҳоланади;

Бельгияда ҳам арзон конфет топиш қийин. Чунки, бу мамлакатда конфетлар қўл меҳнати орқали тайёрланади ва килоси 20-30 евродан юқори туради.



Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Абу-Дабида дунёдаги энг йирик мустақил гелиоқурилма қурилади.

ЭНГ ЙИРИК СТАНЦИЯ АБУ-ДАБИДА ҚАД РОСТЛАЙДИ

"Нур Абу-Даби" номини олган янги станциянинг қурилишига 3,2 миллиард АҚШ долларлари сарфланади. Унинг қуввати 1 минг 177 мегаваттнинг ташкил этиши айтилмоқда.

"Нур Абу-Даби" пойтахтдан 120 километр жанууб-шарқдаги Сувайхон шаҳрида қурилади.

"Энергетика стратегияси — 2050" лойиҳасига мувофиқ, Абу-Даби 2020 йилдан бошла-

ўттиз йил давомида босқичма-босқич амалга оширади.

ОКИМДАН ЭНЕРГИЯ ОЛИНМОҚДА

Япониянинг Кутиносида оролида океан оқимидан энергия олиш тажрибаси муваффақиятли ўтди. Мутахассислар бу оролнинг жанууби-гарбидан ўтувчи Куросио оқимидан энергия олишга эришди.



"Кайрю" номини олган тизим "INI Corporation" компанияси ҳамда Янги энергетика ва саноат технологияларини ривожлантириш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган. У ҳар бирининг узунлиги 20 метр келадиган учта металл цилиндрдан иборат. Иккита цилиндр икки томонидан диаметри 11 метрлик парраларга эга генераторлар билан жиҳозланган.

Улар оқим ҳисобига айланиб, электр энергия ишлаб чиқаради. Учунчи ци-

линдри эса бутун тизимнинг сузувчанлигини таъминлайди. Электр энергия қуруқликка кабеллар орқали узатилади. Синовлар вақтида қурилма 20 метрдан 50 метргача чуқурликка туширилиб, қувватнинг ўзгариши кузатилади. Қурилма яратувчиларининг айтишича, бу дунёдаги биринчи муваффақиятли синов ҳисобланади. Қолаверса, энергия олишнинг бундай усули қуёш панеллари ёрдамида олиш усулидан барқарорроқ бўлиши мумкин, чунки оқимлар жадаллиги деярли ўзгармасдир, қуёш панеллари иши эса кун қисмига боғлиқ.

2020 йилга келиб, ушбу қурилмалардан тижорат мақсадида фойдаланишни бошлаш режалаштирилмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Маъзиллик: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@umail.uz	Телефонлар: 233-58-85 (факс) 233-70-10 Масъул котиб: 233-79-96 Бўлим муҳаррирлари 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08 Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59 Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета "Тошкент ҳақиқати" таҳририяти компьютер марказида терилди ва сақланган.	Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Назоратчи мусаввир Қумуш ЭТАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ
---	---	--	---	--	---